

## Furqat tumani tarixi

Фарғона вилояти таркибига киравчи Фурқат тумани маркази "Навбаҳор" қишлоғи дастлаб Горский қишлоғи деб номланиб, 1899 йил 11 апрелда Ховосдан Кўқонга биринчи поезд кириб келган кундан тилга олинган.

Горский Антон Гаврилович (1846-1901йил) темир йул асосчиларидан бири бўлган. У Самарқанд - Андижон темир йўл қурилишининг 4-қисмига бошчилик қилган. 1943 йили 58 та жамоа хўжаликлари бирлаштирилиб, Горский райони ташкил этилган. 1959 йили Горский райони тугатилиб Ўзбекистон районига кўшиб юборилган. 1962 йили Киров районига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 5 июлдаги 182 - сонли қарори, Халқ депутатлари вилоят кенгаси ижроия қўмитасининг 1991 йил 25 июлдаги 21917 - сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 апрелдаги 573 - сонли қарорига асосан Фурқат тумани ташкил этилди. 1992 йилдан Фурқат тумани маркази Горский қишлоғи "Навбаҳор" деб номланди, кейинчалик "Навбаҳор"шаҳарчасига айлантирилди.

2020-07-17 10:10:27